

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФОРМАНОВА ШОИРА БОБОНАЗАРОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕТАЛЛАР
МАВЗУЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Форманова Шоира Бобоназаровна

Педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини
ўқитиш методикасини такомиллаштириш..... 3

Форманова Шоира Бобоназаровна

Совершенствование методики преподавания тем о металлах в
педагогических высших образовательных учреждениях 21

Форманова Шоира Бобоназаровна

Improving the methodology of teaching metals in higher educational
institutions 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФОРМАНОВА ШОИРА БОБОНАЗАРОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕТАЛЛАР
МАВЗУЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped1681 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gurkin.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна, педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Махмудов Юсуп Ганиевич педагогика фанлари доктори, профессор Нуралиева Гўзал Абдухамидовна кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12. 2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (157 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 12 даги 25 - рақамли реестр баённомаси).



З.А.Сманова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор,

Д.А.Гафурова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби,
к.ф.д., доцент

Н.Х. Қутлимуротова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
к.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё фанидан таълим бериш жараёнида талабаларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш, ижодкорлиги, билим самарадорлигини оширишга қаратилган 2030 йилгача белгиланган Халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ушбу таълим тизимида бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, кимё фанининг компетентлик даражасини ривожлантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё миқёсида олий таълим тизимида ахборот технологияларини жорий этиш, фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, амалга ошириш ва такомиллаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш, металлларга оид билимларни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот иши металллар мавзуларини педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқишда талабаларда методик билимларни такомиллаштириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда таълим олишга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шароитлар ёш авлоднинг мустақил ва эркин фикрлай олиши рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ижобий муносабатини билдиришга имкон беради. Ижтимоий борлиқда кечаётган ўзгаришларга нисбатан шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши шахс фаоллигини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, мустақил фикр эгаси бўлган шахс ўз имкониятлари, қобилиятини эркин намоён эта олади. Муваффақиятли равишда олиб борилаётган таълимга оид ислохотларнинг асосий мақсади эркин, мустақил фикрга эга баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Зеро, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 3-боби, 8-бўлимида; «таълимда мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш чораларини кўриш» каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтириш, табиий фанларга оид ўқув материалларини анимацион-визуал тарзда тақдим этиш асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кимёни ўқитиш методикасининг турли масалалари бўйича: Ҳ.Омонов, А.Мамажонов, Э.Эшчанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, С.Низомова, И.Шерназаров ва Ш.Шомуротова каби тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар.

Кимёни ўрганиш методикасига бағишланган ишлар МДҲ мамлакатларида: Э.Г.Злотников, Н.Е.Кузнецова, М.С.Пак, В.С.Полосин, Ю.Ю.Гавронская, М.А.Шаталов, Л.А.Жарких, Е.К.Долгань ва бошқа муаллифлар томонидан амалга оширилган.

Хорижлик олимлар Raymond Chang, Z.Tatli, А.Аюаслар кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этганлар. Natasa Rizman Herga ва Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Ruzell ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида эса бевосита компьютерлардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили кўрсатдики, мамлакатимиз педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикасини инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2016 йил 22 декабрдаги 6-сон баённомаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълимда кимё фани ва уни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” номли устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш талабаларнинг билим, кўникма малака ва компетенцияларини ривожлантиришда ахборот технологиялари компонентлари мазмунини очиб бериш орқали асослаш;

металллар мавзуларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларни педагогик технологияларнинг хусусиятига кўра таснифлаш асосида масала ва

машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланмалар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини ахборот технологияларидан назарий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиш функциясини интерфаол методлар имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ахборот технологиялари асосида ўқитишни амалга оширишда дастурий таъминотларни самарали қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни бўлиб, ТДПУ, ЖДПИ, ҚДПИнинг талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети: педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, анкета сўровномалари, суҳбат, тест синовлари, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда талабалар билими, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш ташкилий (ижтимоий, индивидуал, методик, информацион, креатив, инновацион, коммуникатив, психологик, педагогик) компонентлар мазмунини очиқ бериш орқали асосланган;

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги алоқа таъминланган, таълим муҳитида масала ва машқлар ишлаш бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилган, масала ва машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланма яратилган ва улардан самарали фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг металлар ҳақидаги тафаккурини ривожлантиришда металлар мавзуларини ўқитиш методикаси мазмуни дидактик тамойиллар асосида интеграцион билимларни илмий-назарий жиҳатдан ўзаро иқтидори, қобилияти, лаёқати ва қизиқишларини аниқлашга йўналтирилган методик тизими интерфаол дастурий воситалардан фойдаланиш имкониятларига кўра ривожлантирилган;

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ахборот технологиялари асосида ўқитишни амалга оширишда таълим тизимига жавоб бера оладиган рақобатбардош иқтидорли талабаларни тарбиялашга хизмат қиладиган мультимедиа элекрон таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда талабаларнинг билим, малака, кўникма ва компетенцияларини ривожлантиришдаги ўрни, ахборот

технологияларининг ташкилий компонентларига оид таклиф ва тавсиялари бакалаврлар учун мўлжалланган 5110300 – Кимё ўқитиш методикаси йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларининг мазмунини такомиллаштириш орқали аниқлаштирилган;

металлар мавзуларини ўқитиш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларга оид таклифлар асосида “Кимёдан масалалар ечиш методикаси” номли ўқув қўлланма нашр қилинган ва амалиётга жорий қилинган;

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш жараёнида талабалар саводхонлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган интерфаол дастурий таъминот яратилган;

ахборот технологиялари асосида металлар мавзуларига оид назарий ва лаборатория машғулотларини бажаришда қўлланиладиган педагогика таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун “Олий таълим муассасаларида металларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” номли электрон ахборот-таълим ресурси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК тавсия этган журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган қўлланма ва у ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё фани ишчи ўқув дастури асосида тайёрланган мажмуалар мазмуни, лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ахборот технологияларини қўллаш орқали такомиллаштирилган, талабаларда ахборот билан ишлаш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган касбий компетентлиликни ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимё ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлиги, саводхонлигини ошириш, уларнинг билим даражаларини намоён қилишни таъминловчи электрон ахборот-таълим ресурсларини бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида қўллаш, таҳлил ва креативлик, компетентлилик даражаларини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, билим, саводхонлик кўникмалари ҳамда компетентлилик ва маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга доир билим, малака, кўникма ва

компетенцияларни аниқлаш ҳамда ахборот технологияларининг ташкилий компонентларига оид берилган таклифлардан бакалаврлар учун мўлжалланган 5110300 – Кимё ўқитиш методикаси йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлар, ўқув дастурлари мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-670-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг фанга оид ахборотларни Давлат таълим стандартида белгиланган малака талаблари асосида ўзлаштириш даражаси самарадорлигини аниқлаш имконини берган;

педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги алоқа таъминланган, таълим муҳитида масала ва машқлар ишлаш бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилган, масала ва машқлар ечишга асосланган ўқув қўлланмалар яратилган ва улардан самарали фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган ва “Кимёдан масалалар ечиш методикаси” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи). Натижада талабаларнинг кимё фанидан ўқув ахборотлари билан ишлаш компетенцияси ривожлантирилган;

педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг металллар ҳақида тафаккурини ривожлантиришда металллар мавзуларини ўқитиш методикаси мазмуни, дидактик тамойиллар асосида интеграцион билимларни илмий-назарий жиҳатдан ўзаро иқтидори, қобилияти, лаёқати ва қизиқишларини аниқлашга йўналтирилган методик тизими интерфаол дастурий воситалар «Тушунчалар таҳлили», «Интерфаол метод»ларининг ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятларига кўра ривожлантирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-670-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг металллар мавзуларини ўзлаштириш даражаси ва таълим сифатини оширишга эришилган;

педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ахборот технологиялар асосида ўқитишни самарали амалга оширишда 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиа даре ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида педагогика таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун “Олий таълим муассасаларида металлларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш” номли электрон ахборот-таълим ресурси (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг дастурий гувоҳномаси, DGU 09434, 2020 у) ишлаб чиқилган. Натижада, педагогика олий таълим муассасаларида кимё таълими мазмуни ва фаннинг талабалар томонидан ўзлаштириш имкониятлари ҳамда ўқитиш самарадорлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-методик иш, шу жумладан, 2 та ўқув қўлланма, 2 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Педагогика олий таълим муассасаларида металл мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлик тизимини яратишда методологик ёндашувлар, бўлажак кимё ўқитувчиларининг методик тайёргарлик ҳолатини ўрганиш, металл мавзуларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш усуллари, тадқиқот муаммосининг мамлакатимизда, МДҲ давлатларида ва узоқ хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий таҳлил қилинган. Дарс мазмунини кимё ўқитувчисининг амалий фаолияти билан боғлаш тамойили педагогика университети талабалари учун доимий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган.

Металл мавзуларини ўрганиш назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ривожланган бир пайтда металл ва уларнинг хоссалари, ишлатилиш соҳалари бўйича кўплаб илмий янгиликлар кашф қилиняпти. Бу янгиликларни машғулотларда қўллаш талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан янгиликларни машғулотларда қўллаш ва талабалар билан бу масалаларни назарий ва амалий таҳлил қилиш, металл мавзуларини ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари ёритиш, фаннинг ўқув дастури мазмун-моҳиятини очиқ беришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, металл мавзуларини ўқитишда қўлланиладиган электрон-ахборот таълим ресурслари ва ҳар бир мавзуга тегишли масалалар ишланмасини тайёрлаш, фанни чуқур ўзлаштириш учун лаборатория машғулотларидаги тажриба ишларини ўрганиш, педагогика олий таълим муассасаларида металл мавзуларини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Хусусан, кимё фанининг мазмуни ва кимё ўқитувчисининг амалий фаолияти ўртасидаги боғлиқлик турли йўллар билан намоён бўлади:

1) назарий тушунчалар ва кимёнинг қонуниятлари асосида очилганлиги, шунингдек, кимёвий тадқиқотлар ва методларининг бирлиги орқали;


2) педагогика олий таълим муассасалари кимё фани таркиби асосида, мактаб ўқитувчиси мавзулар ва дарслар таркибини тузишда такрорлаши мумкин, аммо ўқув дастурининг ҳажми билан фарқ қилади;

3) металлар мавзуларини ўқитиш жараёнида ўқитувчининг бир қатор шахсий хусусиятларини (педагогик фаолият мотивлари, шахсий, касбий ва экологик маданияти) тарбиялаш имконияти орқали.

Талабанинг фаолият мотиви, билими, кўникмаси, малака ва компетенциялари муайян педагогик мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қиладиган махсус методик муаммоли вазиятни яратиб, ўзгартириши билан инobatга олинган.

Словениялик кимёгар педагоглар Nataša Rizman Herga ва Dejan Dinevski ўқувчилар билан анъанавий усулда ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда дарслар олиб борган, тажрибалар натижасида ўқувчилар билими оширишга эришилган. Бундай натижага эришганликларини лаборатория машғулотларининг авваллари турли сабаблар билан бажарилмаслиги, компьютер технологиялари талабалар орасида фаннинг оммавийлашишини таъминлагани, улар анъанавий усулга нисбатан юқори самарадорликка эга эканлиги билан изоҳлашган. Адабиётларда ахборот технологияларининг афзалликлари сифатида талабаларнинг қизиқишлари ортиши, кимё фанига нисбатан қарашларининг ўзгариши кўрсатилган. Бундай ҳулосага келишнинг асосий сабабларидан бири сифатида ўқув жараёнини масофавий олиб бориш, электрон ахборот-таълим ресурслари, адабиётлардан лаборатория ишлари учун зарурий маълумотлар олиш имконияти мавжудлигини тилга олиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишида эса, педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитишнинг услубий таъминот тизимини такомиллаштириш, талабаларнинг билими, фан мавзулари бўйича ўзлаштирган билимлари асосида ижодкорлигини ошириш, қобилиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилган (1-расм).

Биринчи расмдан кўриниб турганидек, педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш тизими талабаларнинг ижодкорлигини ошириш, ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларнинг ўқув фанига оид таянч компетенцияларни эгаллашига хизмат қилади.




1-расм. Педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш усуллари.

Диссертациянинг «Педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикаси» деб номланган иккинчи бобида мавзуларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш орқали таълим бериш мазмуни очиб берилган. Анорганмик кимёда металллар мавзуларини ўқитишнинг дидактик таъминоти, метод ва воситалари очиб берилган, талабаларнинг ахборот компьютер воситалари билан ишлаш, ахборот компьютер воситалари орқали таълим олиш имкониятлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.

Инновацион технологиялар мулоқотнинг бир усули, инсон фаолиятининг маҳсули. Бинобарин, улардан фойдаланиш орқали таълим сифати ҳамда талабаларнинг фанга бўлган иштиёқини ошириш, ўқиш вақтини тежаш, материални чуқур ўзлаштириш, масофавий ва электрон таълимни жорий этишга эришилади. Бундан ташқари, мультимедиа технологиялари орқали интеграциялашган мураккаб технологик тузилмалар ташкил этилади.


Психологларнинг таъкидлашича, экранда намойиш этилган материални кўриб, ўрганиш китобдан ўқиб ўрганишга нисбатан самарали экан. «Олий таълим муассасаларида металлларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш» электрон ахборот-таълим ресурслари педагогика олий таълим муассасаларида кимё фанини ўқитишда талабаларнинг билимларини оширишга ёрдам беради. Видеороликлар, лаборатория ишлари, қизиқарли маълумотлар, кимёвий атамалар луғати, интерфаол топшириқлар талабалар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилади (2-расм).



2-расм. Металлларнинг кимёвий хоссаларини ўқитишда дастурий воситалардан фойдаланиш.

Асосий вазифаси таълим олишда замонавий техникалар орқали билим олишдан иборат бўлиб, ундаги маърузалар, лаборатория ишлари, расмлар, тестлар, интерфаол тестлар, аудиоёзувлар фойдаланувчиларга кимё фанидан металлларни ўқитиш бўйича билимларни осон ўзлаштиришга ва ёдда сақлаб қолишига ёрдам беради.

Педагогика олий таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган электрон ахборот таълим-ресурсларидан анорганмик кимёнинг металллар мавзуларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.



3-расм. Педагогика олий таълим муассасаларида металлар мавзуларини ўқитишда электрон ахборот таълим ресурсидан самарали фойдаланиш механизми.

Фойдаланувчиларда анорганик модда синфлари, металлар, уларнинг физик ва кимёвий хоссалари, металларнинг ишлатилиши, мамлакатимиздаги металлургия саноати ҳақида билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳосил қилиш, илмий дунёқарашни кенгайтириш билан бирга, кимё фанига бўлган қизиқишни оширади.

Мультимедиа технологиялари билан интеграциялашган ҳолда қўлланиладиган методлардан Интерфаол методлар, Кейс-стади, Тушунчалар таҳлили ва бошқа методлар билан бир қаторда, ўқитишнинг самарали воситаларидан бири – Интернет тармоғининг имкониятлари ва таълим порталлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Ўқув жараёнида электрон дарслик, қўлланма, дарс ишланмалар, ўқув фильми ва кўргазмали материаллардан фойдаланиш таълим шароити ва самарадорлигини оширади. Электрон ахборот-таълим ресурсларидан ўрин олган инновацион технологияли фаол ўқув дастури материаллари, видеотасвирлар ва ўқув фильмлари мазкур босқичларни тўлиқ амалга оширишда ақлий ва илмий дунёқарашни такомиллаштиради. Ҳар бир маъруза машғулоти учун

мўлжалланган мультимедиа технологияли ахборот-таълим ресурси талабадан ижодкорлик, ўз касбига масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Ҳар бир дарс машғулоти талабаларнинг ўзига хос методик хусусиятга эгаллиги, кимё фанига қизиқиш ўз эҳтиёжидан келиб чиққанлиги, аниқ ўқув мақсадига йўналтирилгани, олдиндан лойиҳалаштирилгани, ижобий натижа беришга қафолатланганлиги асосланади.

Талабаларнинг металллар мавзуларини ўзлаштиришига ёрдам берувчи мазкур электрон ахборот-таълим ресурларидаги ҳар бир мавзуга оид видеолар, фотосуратлар, кроссвордлар, мустақамловчи саволлар, талабанинг мавзуга оид билимини аниқловчи тестлар, маъруза қисмида қўлланилган педагогик технологиялар талабанинг креативлик қобилиятини ошириш воситалари бўлиб хизмат қилади, шунингдек, уларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширади.

Машғулот самарадорлигини оширувчи, талабаларни бутун дарс машғулоти жараёнида фаоллаштирувчи асосий восита улар бажарадиган лаборатория машғулотларидир. Лаборатория машғулотларини олиб боришдан мақсад талабаларда амалий натижалар билан ишлаш, анализ ва синтез қилиш, табиат ҳодисаларини кузатиш каби билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ҳосил қилиш ҳамда олинган назарий билимларни мустақамлашдан иборат бўлиб, улар лаборатория машғулотининг асосини ташкил этади. Кимёвий тажрибани кўрсатиш жараёнида шаклландирган муаммоли саволлар талабаларни:

- гипотезаларни шакллантиришга;
- назарий масалаларни ҳал қилишга;
- тўғри хулосалар чиқаришга ундайди.

Шундай қилиб, металллар мавзуларини ўқитишда муаммоли тажрибалардан фойдаланиш доимо долзарбдир.

Тажрибанинг босқичлари:

- металллар мавзуларини ўрганишда муаммоли тажрибалар ўтказиш;
- тест ўтказиш;
- анкета сўровномасини ўтказиш.

Металллар мавзуларини танлаш, талабаларнинг металлларнинг сув ва кислоталар билан ўзаро таъсири реакциялари учун тенгламаларни ёзишда кўпинча хатоларга йўл қўйиши билан изоҳланади.

Тажриба натижалари эвристик методдан фойдаланиб, муҳокама қилинди.

Биз иккита аниқ мисол ёрдамида муаммоли ёндашувдан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ташкил қилиш методологиясини кўриб чиқамиз.

1-Тажриба. Актив металлларнинг сув билан таъсирлашуви.

Лаборатория жиҳозлари ва реактивлар: алюминий Al (гранула), натрий Na, фенолфталеин, кристаллизатор.

Ишнинг бориши:


Тажриба учун тадқиқотчи томонидан иккита фаол металдан намуналар олинди (металлларнинг кучланишлар қаторига қаранг): Al (гранулалар) ва Na. Сув билан тўлдирилган кристаллизаторга 2-5 томчи фенолфталеин қўшинг ва

олдиндан керосиндан тозаланган ва куритилган (курук фильтр қоғози билан) озгина Na, ва сув солинган пробиркага алюминий грануласини солинг.

Кузатишлар:

Натрий – Na	Алюминий – Al
натрий сув юзасида «югуради» ва у билан тезда реакцияга киришиб, бутунлай йўқ бўлиб кетади ва сув пушти-тўқ қизил рангга киради. $2\text{Na} + 2\text{H}_2\text{O} \rightarrow 2\text{NaOH} + \text{H}_2\uparrow$	алюминийли пробиркада кимёвий реакция белгилари кузатилмайди

Барча фаол металллар сув билан реакцияга киришади. Алюминий, жуда фаол металл бўлиб, сув билан куйидаги тенглама бўйича реакцияга киришиши керак:



Муаммо: алюминий Al - фаол металл - сув билан кимёвий реакциянинг аломатлари йўқми?

Муаммонинг муҳокамаси: Алюминий, одатда, Al₂O₃ оксиди қобик билан ҳимояланган. Айнан шу оксиди қобик алюминийни сув билан фаол таъсирланишидан ҳимоя қилади, агар у олиб ташланса, алюминий сув билан фаол реакцияга киришади.


Мазкур тадқиқот ишида металллар мавзуларига доир маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларда инновацион технология интерфаол методларидан фойдаланиш методикаси тавсия қилинди. Талабаларнинг масала ечиш орқали фикрлаши, ижодий қобилиятларини юксалтириш инобатга олинган.

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов мақсади, вазифалари, унинг ташкил қилиниши ва натижалари таҳлили баён қилинган. Тажриба-синов ишларининг мақсади сифатида металллар мавзуларини педагогика олий таълим муассасаси талабаларига интерфаол методлар ва ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштиришнинг мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлар самарадорлигини аниқлаш белгиланди.


Инновацион технологияларга асосланиб яратилган дастурий таъминотлар воситасида ўқитишни ташкил этиш ва синовдан ўтказиш ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтининг 5110300 – Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишида амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари тўртта, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди (2017–2020 йй.). Уларда: Тошкент давлат педагогика университетидан - 94 нафар, Жиззах давлат педагогика институтидан – 94 нафар, Қўқон давлат педагогика институтидан - 62 нафар, жами 250 нафар талаба иштирок этди.

Тажриба-синов ишларида олинган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаш ва илгари сурилган гипотезани исботлаш ҳамда тажриба натижаларини қайта ишлашда математик статистика методларидан бири –

Пирсоннинг χ^2 методидан фойдаланилди. Тажриба-синов ишлари самарадорлик кўрсаткичлари «аъло», «яхши», «қониқарли» даражалар бўйича баҳоланди. Тажриба ўтказиш учун талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тадқиқот иши якунида олинган маълумотлар асосида математик-статистик таҳлилий ишлар олиб борилди.



4-расм. Педагогика олий таълим муассасаларидаги талабалардан олинган тажриба ва назорат гуруҳлари маълумотларининг математик-статистик таҳлилий ишлар ўртача қиймати диаграммаси



5-расм. Педагогика олий таълим муассасаларининг самарадорлик кўрсаткичлари.

Диаграммадан кўринадикки, тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳларидагига қараганда 15% ни ташкил этди. Бу амалга оширилган тажриба-синов ишининг самарали эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

Педагогика олий таълим муассасаларида металл мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишининг натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш жараёни инновацион технологияларни қўллаш орқали такомиллаштирилди.

2. Педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг фанга доир билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришдаги ўрни ва талабаларнинг металллар ҳақида тафаккурини ривожлантиришда металллар мавзуларини ўқитиш методикаси мазмуни, шакли, методлари ва воситалари дидактик тамойиллар асосида интеграцион билимларни илмий-назарий жиҳатдан ўзаро иқтидори, қобилияти, лаёқати ва қизиқишларини аниқлашга йўналтирилган методик тизими интерфаол дастурий воситалар «Тушунчалар таҳлили», «Интерфаол метод»ларидан ўқув жараёнида фойдаланиш имкониятларига кўра ривожлантирилган.

3. Педагогика олий таълим муассасаларининг кимё ва уни ўқитиш методикаси йўналишида таҳсил олувчи талабаларга металллар мавзуларини инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг замон талабларига жавоб берадиган, ўқитиш жараёнида масофавий таълим ҳамда мустақил ишлаш учун мўлжалланган, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ҳозирги замон ўқув-методик таъминот тажриба-синов тариқасида амалиётга татбиқ этилди.

4. Металллар мавзуларини ўрганиш жараёнида методик тайёргарлик тизимини яратиш, бунга ўқитишнинг ҳар бир босқичида (кириш, бошланғич, асосий, якуний) унинг илмий тайёргарлик билан алоқадорлиги асосида эришилди.

5. Педагогик тажриба-синов давомида педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитиш жараёнида методик тайёргарликнинг интеграцияси, кимёвий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштириш даражасининг ошиши, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги 15 % ни ташкил этди.

6. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотлар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган методларнинг фаол ахборот алмашиш фаолиятига йўналтириш, ўқув мотивларини уйғотиш, ахборот-коммуникация таълими муҳитини яратиш, методик кўникмаларининг самарали ривожланиши учун шароит яратиш асосида маълумотларга статистик ишлов беришнинг математик- статистик методлар билан аниқланди ва тасдиқланди.

Педагогика олий таълим муассасаларида металллар мавзуларини ўқитишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1) Педагогика олий таълим муассасаларининг кимё йўналишида таҳсил олувчи талабаларга металллар мавзуларини ўқитиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминоти имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

2) мазкур тадқиқотнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда металллар мавзулари бўйича инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-

методик таъминотини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг инновацион ёндашувлари жорий этиб борилаётган шароитда замонавий таълим, талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ янада такомиллаштириш;

3) таълим тизимида замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг дастурий таъминотини қўллаш борасида ривожланган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни кенгайтириш;

4) фанлар кесимида интерфаол методлар асосида тайёрланган электрон ўқув мажмуалар бандини ташкил этиш ва ундан талабаларнинг саводхонлигини такомиллаштиришда фойдаланиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ФОРМАНОВА ШОИРА БОБОНАЗАРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕМ О
МЕТАЛЛАХ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЯХ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (химия)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Ped1681.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.gupkin.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Махмудов Юсуп Ганиевич
доктор педагогических наук, профессор
Нуралиева Гўзал Абдухамидовна
кондитат химических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «29» 12 2021 года в 19⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.12. 2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана (адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 15-7). Адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35.

Автореферат диссертации разослан «17» 12 2021 года.
(протокол рассылки № 25 от 17.12 2021 года).


З.А.Сманова
Председатель разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.
профессор

Д.А.Гафурова
Ученый секретарь разового Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.х.н. доцент


Н.Х. Кутлимуротова
Председатель Научного семинара при
разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н. доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В международной концепции образования до 2030 года по развитию естественно-научного мировоззрения, эффективности творчества, знаний студентов в процессе преподавания химии образования в мире определена в качестве актуальной задача “создания возможности для получения образования на протяжении всей жизни”². Это обращает внимание на значение использования технологий, направленных на повышение уровня методической подготовки в профессиональной деятельности будущих педагогов по химии в систем образования, развития уровня компетентности по предмету химии.

В мировом масштабе ведутся исследования по внедрению в процессе образования информационных технологий, созданию механизмов интегрированного преподавания предметов, выявлению и внедрению в практику педагогических и дидактических основ, проектированию на основе современных методов, созданию на научной основе системы реализации и совершенствования, развитию и совершенствованию, химических знаний на основе инновационного подхода. Данные исследования расширяют возможности использования на уроках химии педагогических и информационно-коммуникационных технологий, формирования у студентов методических знаний.

В нашей стране уделяемое образованию внимание, а также независимое и свободное мышление в создаваемых условиях позволяют молодому поколению проявлять личное отношение к происходящим событиям. Формирование личной точки зрения к изменениям, происходящим в социальной реальности, является одним из важных аспектов, показывающих активность личности. К тому же, личность, обладающая самостоятельным мнением, может свободно проявить свои возможности, способности. Основной целью успешно реализуемых образовательных реформ является именно воспитание и доведение до зрелости гармонично развитой личности и квалифицированного специалиста, обладающего свободным, независимым мнением. Потому что в разделе 8 главы 3 Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года намечены такие приоритетные задачи как «принятие мер по разработке мультимедийных образовательных продуктов и системной организации процесса их применения». В этом вопросе приобретает важное значение расширение возможностей развития профессиональной методической подготовки будущих учителей химии, совершенствование учебных материалов по

² Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

естественным предметам на основе анимационно-визуального их представления.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 11 июля 2019 года № УП-5763 «О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования», постановлении Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2018 года № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. По различным вопросам методики преподавания химии работали такие исследователи, как: Х.Омонов, А.Мамажонов, Э.Эшчанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, С.Низомова, И.Шерназаров ва Ш.Шомуротова.

В странах СНГ работы, посвящённые методике изучения химии, выполнены такими авторами, как: Э.Г.Злотников, Н.Е.Кузнецова, М.С.Пак, В.С.Полосин, Ю.Ю.Гавронская, М.А.Шаталов, Л.А.Жарких, Е.К.Долгань и другие.

Зарубежные учёные Raymond Chang, Z.Tatli, A.Ayas анализировали вопросы совершенствования научно-теоретических основ науки химии. Natasa Rizman Herga ва Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Ruzell и другие изучали в своих исследовательских работах проблемы непосредственного использования компьютеров.

Анализ степени изученности проблемы показал, что в педагогических высших образовательных учреждениях нашей страны вопросы совершенствования методики преподавания тем о металлах на основе инновационных образовательных технологий исследованы недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления «Совершенствование предмета химия и методики его преподавания в общем среднем образовании, среднем специальном образовании и высшем образовании», утверждённого протоколом Совета Ташкентского государственного педагогического университета от 22 декабря 2016 года №6.

Цель исследования состоит в совершенствовании методики преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях.

Задачи исследования:

совершенствование методики преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях при развитии знаний, навыков и умений студентов путём раскрытия компонент информационных технологий;

создание учебных пособий, основанных на решении задач и упражнений на основе классификации факторов, влияющих на совершенствование тем о металлах, в соответствии с особенностями педагогических технологий, и совершенствование методики их эффективного использования;

совершенствование методики преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях на основе предоставления приоритета возможностям интерактивных методов функции использования информационных технологий на теоретических и практических занятиях;

разработка методики эффективного применения программного обеспечения при реализации преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях на основе информационных технологий.

Объект исследования является процесс совершенствования методики преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях, в исследовании участвовали студенты ТГПУ, ДГПИ, КГПИ.

Предмет исследования составляют формы, методы и средства совершенствования методики преподавания тем о металлах в педагогических высших образовательных учреждениях.

